



ИБРАТОВА ФЕРУЗА БОБОҚУЛОВНА

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ БАНКРОТ ДЕБ ТОПИШНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Ибратова Феруза Бобоқулловна

Тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари 3

Ибратова Феруза Бабақулловна

Гражданско-правовые проблемы установления банкротства субъектов предпринимательства 29

Ibratova Feruza Babakulovna

Civil law problems of establishing the bankruptcy of business entities 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАТОВА ФЕРУЗА БОБОҚУЛОВНА

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ БАНКРОТ ДЕБ ТОПИШНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (PhD) диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжлиси ҳузуридаги Олий аҳолининг оқимчилисида В2020.1.DSc/Yu142рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилиган.

Диссертация автореферати ушбу тилда (Ўзбек, рус, инглиз тиллари) Илмий кенгашнинг веб-сайтларида (www.tsul.uz) ва eiz.uzhbt.uz Ахборот ресурслар марказида (www.ziyouet.uz) joylashtirilgan.

Расмий ошпонентлар:

Бибилулов Сотибади Бобоназарович
юридик фанлар доктори, профессор

Усманова Мувовайз Акмадановна
юридик фанлар доктори, профессор

Рахмоқулова Илодуфар Ходжа-Аббаровна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
Кумитасининг Божхона институти


Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 11 август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (972-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «27» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «27» июлдаги 7- рақамли реестр баённомаси).




И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор


Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, юридик фанлар
номзоди, профессор



С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда COVID-19 пандемияси туфайли банкротлик тўлқини янада кучайиб борди ва натижада 2020 йилда дунё бўйича 147 та йирик компания (айланма маблағи 50 миллион евродан ортик бўлган) банкрот деб топилган, энг кўп банкротлик ҳолатлари АҚШ (52 та) ва Европада (64 та) қайд этилган. Чакана савдо, хизмат кўрсатиш, энергетика ва автомобилсозлик соҳасида ўта оғир вазият юзага келгани натижасида бир компаниянинг банкрот бўлиши, у билан боғлиқ яна бир нечта компаниялар ёпилишига сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2021 йил охирига келиб ҳар бир давлатда 29 мингдан ортик маҳаллий компаниялар банкротликка учраши билдирилган¹. Ушбу кўрсаткичлар дунёда тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон амалиётида мамлакат иқтисодиётига ўзининг ҳиссасини қўшиши учун банкротлик воситасида қайта тикланиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектини ёки унинг айрим қисмларини “қутқариш”нинг мавжуд имкониятларидан максимал даражада фойдаланишга, техник ва технологик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан илғор технологияларни кенг жорий этиш, жорий конъюктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ташқи рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш бўйича қўшимча омиллар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда тадбиркорлик субъектларини молиявий соғломлаштириш ва банкротликнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли ислохотлар, хусусан, суд бошқарувчиси томонидан қарздорнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини ўрганиш, уларга суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларини қўллаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Банкротлик борасидаги ҳозирги тартиб-тамоийлар корхоналарни тугатиш ва мол-мулкдан тушган маблағлар ҳисобидан қарзларни қоплашни назарда тутди. Шунинг учун сўнгги 3 йилда атиги 3 та корхонада санация қўлланган, холос. Энди бундай қоидадан бутунлай воз кечиб, тўловга қобилиятсиз корхоналарни энг илғор хорижий тажриба асосида соғломлаштириш бўйича янги тизим жорий этиш лозим»². Шу асосда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва улар банкротлигининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш ва мазкур соҳанинг устувор йўналишларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

¹<https://kun.uz/news/2020/07/30/pandemiya-sababli-uch-oy-ichida-dunyo-boyicha-150ga-yaqin-yirik-kompaniyalar-bankrot-boldi>

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномаси. <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), Солик кодекси (2019), Иқтисодий процессуал кодекси (2018), «Банкротлик тўғрисида»ги (2003), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги (2012) қонушлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) Фармони, «Мамлакатимизда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019), «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) Қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатлар тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ривожига таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлаштиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар Yale University (АҚШ), University of Barcelona (Испания), Erasmus University Rotterdam (Нидерландия), McMaster University (Канада), Charles University Prague (Чехия), University of Iowa (АҚШ), Florida International University (АҚШ), Purdue University (АҚШ), University of Chicago (АҚШ), University of Oxford (Англия), University of Bremen (Германия), University of Massachusetts Amherst (АҚШ), Москва давлат университетида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги ва корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг устувор йўналишлари, мақсадлари ва вазибалари, шунингдек узок муддатли истиқболда банкротликнинг олдини

³Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи
<https://digitalcommons.law.yale.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1006&context=ylsd>;
<https://www.academia.edu/7394996/PhD>;
<https://www.tdx.cat/bitstream/handle/10803/3978/yaa1de1.pdf?sequence=1&isAllowed=y>;
[file:///C:/Users/%D0%90%D0%B4%D0%BC%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D1%82%D0%BE%D1%80/Downloads/Hapsari-Dhamayanti_431148%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/%D0%90%D0%B4%D0%BC%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D1%82%D0%BE%D1%80/Downloads/Hapsari-Dhamayanti_431148%20(1).pdf);
<https://www.cerge-ei.cz/pdf/dissertations/2010-vychodil.pdf>;
<https://ir.uiowa.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=3378&context=etd>;
<https://digitalcommons.fiu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1822&context=etd>;
<https://docs.lib.purdue.edu/dissertations/AAI9900179/>;
<https://etd.library.emory.edu/concern/etds/v692f7088?locale=en> ;
https://ora.ox.ac.uk/objects/uuid:28c0519a-ee4f-44c4-bb8a-90be75e0c7da/download_file?file_format=pdf&safe_filename=602369741.pdf&type_of_work=Thesis;
<https://scholarworks.umass.edu/dissertations/AAI3427577/>;
<https://macsphere.mcmaster.ca/bitstream/11375/15403/1/THREE%20ESSAYS%20ON%20FINANCIAL%20DISTRESS%20AND%20CORPORATE%20BANKRUPTCY.pdf>

олиш бўйича мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшиш мақсадида давлат сиёсати билан боғлиқ масалалар қайд этилган хорижий илмий тадқиқотлар натижасида илмий натижаларга эришилган. Банкротлик жараёнида кредиторлар томонидан билдирилган талабларни қондириш каби масалалар очиб берилган (Yale University, 2014); банкротлик аломатлари ва иқтисодий ночор компанияларни бошқаришни белгиладиган омиллар асослантирилган (University of Barcelona, 2010); кредиторлар ва қарздорлар томонидан судга ариза берилганида активларнинг ўзгарувчанлиги ва корхоналарга зарар етказмаслик натижасида юзага келадиган кредит таваккалчилигининг таркибий модели таклиф этилган (University of Iowa, 2012); банкротлик рентабеллигининг маҳсулот бозоридаги рақобатга эмпирик таъсири асослантирилган (University of Chicago, 2012); банкротлик давомийлигининг ишсизлик даражасига таъсири ва тўлов қобилиятини тиклашнинг муқобил усуллари асослантирилган (Charles University Prague, 2010); иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг қарзни бекор қилиш ва корхонларнинг тўловга қодир эмаслиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг таснифи асослантирилган (University of Bremen, 2014); банкротлик ҳолатида қузатув кенгаши аъзоларининг овози ва қўшган улушининг таъсири, тўлов қобилиятини тиклаш учун бошқарув тизимини такомиллаштириш механизми асослантирилган (Erasmus University Rotterdam, 2014).

Дунёда тадбиркорлик субъектларининг банкротлигини аниқлаш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий масалаларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: тадбиркорлик фаолиятини давом эттириш шарти билан компания ва кредиторлар ўртасида компаниянинг қарзларини тўлаш тўғрисида ихтиёрий келишув ёки тугатишни битим тарафлари учун мақбулроқ шароитларда ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; маъсул бўлган шахсларни тайинлаш орқали облигация эгалари томонидан ҳимоя қилиш таомилини ўрнатиш; кредиторларнинг талабларини қондириш пайтида компанияни юридик шахс сифатида сақлашга қаратилган маъмурий буйруқлар тизимини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари фуқаролик ҳуқуқи назарияси ихтисослиги нуктаи назаридан монографик тарзда тадқиқот иши олиб борилмаган. Ушбу диссертация тадқиқоти билан боғлиқ муаммолар умумий асосларда мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан у ёки бу даражада ўрганилган. Бунга Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, Б.И.Ибратов, Ш.Н.Рўзиназаров, М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, О.Оқюлов, Ф.Х.Отахонов, И.И.Насриев, С.Б.Холбоев, Н.В.Лопаета, Б.Б.Худойбергенов каби олимларнинг илмий ишларини кўрсатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари банкротлигининг ўзига хос жиҳатлари юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган ва у билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатлари, чунончи, корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий масалалари, кредит таваккалчилиги, активлар

нархлари ва банкротлик белгилари Н.Dhamayanti (Нидерландия), О.Vychodil (Чехия), Min Jiang (АҚШ); банкротликни иқтисодий башорат қилиш: бухгалтерия коэффицентлари, бозор ўзгаришлари ва корпоратив банкротлик хавфини таҳлил қилиш масалалари G.Fernandez (АҚШ), M.John Flynn (АҚШ), L. Elizabeth Coco (АҚШ); бозор ва банкротлик натижалари билан очик танишиш масалалари О. Omer Cem (АҚШ), V.M. Lester (Англия), Kristin Roti Jones (АҚШ), Jan-Oeko Heure (Германия), Michael McKibben (АҚШ) ва бошқа олимларнинг диссертацияларида ўрганилган.

Банкротликни тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари, хусусан, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг банкротлиғи ва банкротлик таомилларида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари МДҲ мамлакатларининг бир қатор олимлари, хусусан, Е.А.Махнева (Москва), Г.А.Мантул (Краснодар), Л.А.Лисенко (Ростов н/Д), Д.А.Краценко (Волгоград), И.А.Загубина (Краснодар), Н.К.Дергачевой (Москва), А.В.Бойковой (Москва), А.Н.Классен (Екатеринбург), А.Б.Агеева (Москва), Э.Ю.Олевинский (Москва), О.В.Пустошина (Самара), А.А.Рягузова (Москва), С.Е.Андреева (Москва) ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган⁴.

Юқоридаги ҳолатлар шуни кўрсатадики, тадқиқот мавзуси доирасида баъзи илмий ишланмалар мавжуд бўлишига қарамай, бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқуқий муаммолар тадбиркорлик субъектларининг банкротлиғи ҳуқуқни қўллаш амалиётида ва амалдаги қонунчилик асосида илмий-назарий тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг I.“Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017-2021 й.й.) доирасида бажарилган. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университети илмий Кенгашининг 2019 йил 30 декабрдаги 3-сон қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларига доир фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рақамли фуқаролик муомаласи шароитида тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг тушунчаси, аломатлари ва тамойилларини аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари банкротлиғи билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг табиати ва элементларини аниқлаш;

⁴ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

хорижий ва миллий тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ва уни гармонлаштиришнинг хусусияти ва замонавий тенденцияларини аниқлаш;

ҳуқуқий муносабатларнинг ягона комплекс доирасида хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқнинг бирлашиши натижасида янги аралаш ҳуқуқий муносабат шаклланишини исботлаш, шунингдек комплекс аралаш ҳуқуқий муносабатнинг ҳуқуқий табиатини ва суд томонидан амалий қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги қонунчиликда мустақкамланган унинг алоҳида элементларини очиб бериш;

банкротлик таомилларини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ўрганиш, уларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, банкротлик таомилларини қўллашда кредиторлар ва қарздорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш хусусиятларини аниқлаш;

жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлигининг банкротлик асосларини кўриб чиқиш, уларга қўлланиладиган банкротлик таомилларининг зарурати ва моҳиятини тушунтириш;

амалдаги банкротлик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган назарий ва амалий тусдаги таклифларни, тавсияларни ишлаб чиқиш ва асослаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида банкротлик таомилларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тадбиркорлик субъектларини банкротлигига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий, амалий ва назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий ҳуқуқий, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қарздор номидан қарздор бўлган якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши асослаб берилган;

қарзларни узиш режасининг нусхалари кредиторларга ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарзларни узиш режаси илова қилиниши лозимлиги асослаб берилган;

банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иқтисодий судга берилганидан кейин қарздор якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг ўз мол-мулкани бошқа шахсга ўтказиш ёки манфаатдор шахсларга

бошқа усулларда беринч билан боғлиқ битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар ҳисобланганини асослаб берилган;

қарздор бўлган якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб тошни тўғрисидаги ариза иқтисодий суд томонидан қабул қилиниши бир вақтда унинг мол-мулкини хатлаши лозимлиги асослаб берилган;

иқтисодий суд томонидан маълум мақсадларни амалга ошириш учун қарздор бўлган якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг кўчмас мол-мулкини ўки қимматли кўчар мол-мулкини доимий бошқарув зарур бўлганда тугатиш бошқарувчиси тайинланиши ва ушбу қарздорнинг мол-мулкини тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилиши асослаб берилган;

давлат корхонасидан, шунингдек матлубот кооперативини ўки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахедан ташқари, кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаган тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс суднинг қарорига асосан банкрот деб тошилиши мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўлишча мажбуриятлар аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс банкротлик муносабатига қарздор ҳисобланиши асослантирилган;

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади нафақат юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, балки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши лозимлиги исботлаб берилган;

банкротлик ҳолатининг олдини олиш мақсадида банкрот деб эътироф этилган тадбиркорлик субъектларига беш йил мобайнида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилиши лозимлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Трансчегаравий банкротлик тўғрисида”ги Қонунлар лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулоса ва амалий таклифлардан адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек “Фуқаролик ҳуқуқи”,

“Тадбиркорлик ҳуқуқи”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ” каби ҳуқуқ фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадбиркорлик субъектларининг банкротлик ҳолатини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек иқтисодий суд амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қарздор номидан қарздор бўлган якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни 145-моддасининг учинчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ–455-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг 2019 йил 4 июлдаги 04/1-06-87-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс томонидан банкротлик ҳолатида келишув битимини тузишга имкон берган;

қарзларни узиш режасининг нусхалари кредиторларга ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарзларни узиш режаси илова қилиниши лозимлигига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни 176-моддасининг биринчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ–455-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг 2019 йил 4 июлдаги 04/1-06-87-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қарздор – якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига илова қилинадиган ҳужжатларни аниқлашга имкон яратган;

банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иқтисодий судга берилганидан кейин қарздор якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг ўз мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ёки манфаатдор шахсларга бошқа усулларда бериш билан боғлиқ битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар ҳисобланишига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни 178-моддасининг биринчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–455-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг 2019 йил 4 июлдаги 04/1-06-87-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилинганлиги қарздор якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс битимларининг ҳақиқий эмаслигининг оқибатини ҳуқуқий тартибга солишга қўмақланган;

қарздор бўлган якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иқтисодий суд томонидан қабул қилиниши бир вақтда унинг мол-мулкни хатлаши лозимлигига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни 179-моддасининг биринчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–455-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг 2019 йил 4 июлдаги 04/1-06-87-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши қарздор якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг мол-мулкни аниқлашга ва ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулкни аниқлашга имкон берган;

иқтисодий суд томонидан маълум мақсадларни амалга оширини учун қарздор бўлган якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг кўчмас мол-мулкни ёки қимматли кўчар мол-мулкни доимий бошқарув зарур бўлганда тугатиш бошқарувчини тайинлаиши ва ушбу қарздорнинг мол-мулкни тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилишига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни 181-моддасининг иккинчи қисми) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–455-сон Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг 2019 йил 4 июлдаги 04/1-06-87-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг кўчмас мол-мулкни ёки қимматли кўчар мол-мулкни доимий бошқариш ва сотилишини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

давлат корхонасидан, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахсдан ташқари, кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаган тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс суднинг қарорига асосан банкрот деб топилиши мумкинлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сон Фармойишига асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ таркибда иштирок этиб, Фуқаролик кодекси лойиҳасининг 47–

57-моддалари бўйича берилган таклифлари киритилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 3/6-5464-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф давлат корхонасидан ташқари юридик шахслар, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг банкротлигини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 32 та илмий анжуманда, жумладан 15 та халқаро, 17 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, жумладан 8 та монография (4 таси ҳаммуаллифликда), 33 та илмий мақола диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган ОАК нашрларида (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 267 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, изланиш натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг **“Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда тадбиркорлик субъектлари банкротлигининг цивилистик назарий-методологиясининг тавсифи”** деб номланган биринчи бобида “банкротлик” ва “иқтисодий ночорлик” тушунчалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи, тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишнинг тушунчаси, аломатлари ва тамойиллари, фуқаролик ҳуқуқий таълимотларининг шаклланиши ва ривожланиши, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг табиати ва элементлари, хорижий ва миллий тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ва уни гармонлаштиришнинг хусусияти ва замонавий тенденциялари таҳлил қилинган.

Хорижий олимлар (И.Г.Кукина, И.А.Астраханова, В.Г.Золотогор, Н.А.Бреславцева, А.В.Васильев)нинг асарларида “банкротлик” ва “иктисодий почорлик” тушунчалари тахлил қилинган ва иктисодий почорлик тушунчасига муаллифлик таърифлари берилган.

Диссертацияда ринолланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасини инобатга олган ҳолда банкротлик аломатида фақат асосий қарз тушунчасини киритилиши, неустойка ва бошқа молиявий санкциялар мажбурий тўловлар ва пул мажбурияти таркибига киритилмаслиги лозим эканлиги асослантирилган.

Банкротлик соҳасидаги муносабатлар банкротлик институтини шакллантириш учун жуда муҳим бўлган муайян принциплар тизимига асослангани, айрим олимлар (Г.А.Афанасьев, В.В.Астахов, В.М.Поликов, С.А.Каренина) томонидан банкротлик принциплари: қонуннинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устуворлиги, тадбиркорлик субъектини сақлаб қолишнинг имконияти бўлмаганида қарздорнинг мол-мулки тугатилган кредиторларнинг талабларини адолатли равишда тақсимлаш, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни давлат томонидан тартибга солиш каби принципларга ажратилгани ўрганилган. Муаллиф томонидан банкротлик институти принципларига таъриф берилган, тизимланирилган ва принцип турларига ажратиб тадқиқ этилган.

Цивилистик нуқтаи назаридан банкротлик институти – қарздор, кредитор ва учинчи шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, моддий ва процессуал нормаларини уйғунлаштирувчи комплекс ҳуқуқ соҳаси эканлиги, банкротлик ҳуқуқининг предмети бўлиб жисмоний ва юридик шахснинг банкротлиги, шунингдек унинг олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий муносабати эканлиги, банкротлик институти ҳуқуқий тартибга солишнинг императив методи (ҳокимият ва бўйсунуш) ва диспозитив методи (тенглик)га бўлиниши асослаб берилган.

Ҳозирги кунда банкротлик қонунчилигида ҳуқуқий институтларнинг кўплиги ва тадбиркорлик субъектларини банкротлик (тугатишга оид иш юритиш) ва тўлов қобилиятини тиклаш (санация, ташқи бошқарув) нормаларини ажратишни, уни янада такомиллаштириш ва хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Банротлик тўғрисидаги кодексини ва “Тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилиятини тиклаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиш лозим, - деган хулосага келинган.

Банкротлик ҳуқуқий муносабатининг асосий фарқловчи хусусияти, ушбу муносабат элементларини шакллантиришда (субъектлар, томонларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари, объектлар) ва томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўраётган иктисодий суд иштирокида амалга оширилиши натижасида бундай ҳуқуқий муносабатни комплекс ҳуқуқий муносабат, яъни фуқролик-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий муносабат асосида шакланган моддий-процессуал банкротлик ҳуқуқий муносабати деб таснифлаш мумкинлиги асослаб берилган.

Моддий ва процессуал ҳуқуқий муносабатлар – манфаатдор шахслар томонидан табиатан турли хил субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш шакллари бўлиб, моддий ҳуқуқ – фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш; процессуал ҳуқуқ – ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг мазмуни бўлиб, моддий-ҳуқуқий муносабат субъектининг (биринчи навбатда, талабларни қондириш учун навбат бўйича ҳаракат) ҳатти-ҳаракати ва процессуал ҳуқуқий муносабат субъектининг ҳатти-ҳаракати (ишда иштирок этаётган шахсларнинг ва суднинг ҳаракати) ҳисобланиши асослаб берилган.

Банкротлик ҳуқуқий муносабатларда хусусий ва оммавий ҳуқуқ асослари ўртасидаги муносабатлар масалаларини ўрганиш натижалари негизида, муаллиф О.М.Свириденконинг фикрига қўшилган ҳолда фуқаролик ҳуқуқи муомаласига “субстантив ҳуқуқий муносабат” деб аталган тушунчани киритиш лозимлиги асослантириб берилган ва “субстантив ҳуқуқий муносабат – тадбиркорлик субъектлари (кредитор ва қарздор) ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга эришиш учун кредиторлар талаблари тўлиқ реестрини шакллантириш, қонуний белгиланган банкротлик таомиллари доирасида кредиторларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган давлат органлари ўртасида тартибга солинадиган ягона комплекс (хусусий ҳуқуқий ва оммавий ҳуқуқий) ҳуқуқий муносабат деб таъриф берилган.

Иқтисодий суд томонидан кўриладиган банкротлик жараёнининг асосий босқичларида субстантив ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни ва хусусиятини таҳлил қилиш натижасида, муаллиф, субстантив ҳуқуқий муносабат ривожланишининг мақсад мезонига асосланиб, уч босқичга ажратилган: шаклланиш босқичи (банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қўзғатишдан кузатув таомили жорий этилганида); амалга ошириш босқичи (кузатув таомили жорий этилганидан тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланилганда); тугатиш босқичи (суд санацияси ёки ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганида, келишув битими тузилганида, кредиторлар билдирилган талабдан воз кечганида, кредиторларнинг барча талаблари ҳар қандай банкротлик таомили жараёнида қондирилганида).

Шундай қилиб, ҳуқуқий тизим ёндашувидан ва махсус қонуний-мантикий усулидан фойдаланиб, суднинг банкротлик (иқтисодий ночорлик) таомилларини жорий қилишнинг асосий босқичларида юзага келадиган субстантив ҳуқуқий муносабатлар мазмуни илк бор аниқланган ва асослантирилган.

Диссертацияда миллий қонунчилигимизда трансчегаравий банкротлик тушунчасига ҳуқуқий таърифи берилмагани, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан трансчегаравий банкротлик – тўловга қодир бўлмаган қарздорнинг активлари бир неча давлатларда мавжудлиги ёки қарздорнинг кредиторлари бошқа давлатларда бўлган ҳолатлар сифатида тавсифланиши, хорижий ҳуқуқий адабиётларда кўриб чиқилаётган ҳодисанинг белгиланиши

хилма-хил бўлиб, “multinational bankruptcy” (афимиллати ноҳорлик), “international insolvency” (халқаро ноҳорлик), “global insolvency” (глобал ноҳорлик), “transnational bankruptcy” (трансналлий банкротлик) каби атамалар қўлланилини асослаб берилган ва муаллиф томонидан “трансчегаравий банкротлик – иқтисодий ноҳор аҳволдаги тadbirkорлик субъектларининг активлари бир неча давлатларда мавжудлиги ёки кредиторлари бошқа давлатларда бўлган қарздорнинг банкротлик ҳолатидир” деб таъриф берилган.

Диссертациянинг “Юридик шахс мақомидagi тadbirkорлик субъектларига банкротлик таомилларини қўллашни мақбуллаштиришни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш” деб номланган иккинчи бобда юридик шахс мақомидagi тadbirkорлик банкротлиги таомилларининг тушунчаси ва қўлланиладиган таомилларининг аҳамияти ва моҳияти таҳлил қилинган.

Диссертант банкротлик таомиллари – кредиторлар талабларини қондириш ва иқтисодий ноҳорликдан чиқиб кетини учун банкротлик аломатлари мавжуд бўлган ёки банкрот деб эътироф этилган қарздорнинг банкротлик қонуни ҳужжатлари билан расмий равишда қўлланиладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳисобланади деб таъриф берган. Шунингдек, банкротлик таомилларини қўллашнинг мақсадига кўра қуйидаги икки гуруҳга ажратишни: тўлов қобилияти тиклаш таомили (суд санацияси, ташқи бошқарув) ва тугатиш таомиллари (банкрот деб эътироф этиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш) асослаб берилган.

Кузатув таомилининг мақсадидан келиб чиқиб, диссертант томонидан кузатув таомили тушунчасига кенг маънода таърифи тақлиф қилинган: кузатув – иқтисодий суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш, кредиторлар талаблари реестрини юритиш ва кредиторлар биринчи йиғилишини ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар мажбурий тартибда қўлланиладиган банкротлик таомилидир.

Тадқиқотчи томонидан юридик шахсга нисбатан суд санация таомилини жорий қилиш учун расмий (процессуал) асос – иқтисодий суднинг ажрими ҳисобланиб, бу ўз навбатида, кредиторлар йиғилишининг қарори асосида қабул қилиниши, суд санацияси таомилининг моддий асоси бўлиб, иқтисодий суд томонидан ушбу қайта ташкил этиш таомилининг жорий этилишини белгилашга имкон берадиган ҳолатлар ва фактлар ҳисобга олиниши мумкинлиги, бундай фактларга қарздорни қайта тиклашнинг ҳақиқий имконияти, шунингдек қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ учинчи шахслар ёки қарздорнинг тўлаш қобилияти мавжудлигини ўз ичига олиши таҳлил этилган.

Ташқи бошқарув таомилини жорий қилишнинг расмий (процессуал) асоси – кредиторлар биринчи йиғилишининг қарори ёки илтимосномасига биноан, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича давлат органининг аризаси асосида, шунингдек суднинг ўз ташаббусига кўра қабул

қилинган иқтисодий суднинг ажрими ҳисобланиши, ташқи бошқарув таомили жорий этиш учун моддий асосларни икки гуруҳга бўлиш мумкинлиги:

1) ташқи бошқарув таомилини қўллашнинг зарурияти ва мақсадга мувофиқлиги тақдим этилган аризада келтирилган ҳужжатлар асосида ўз исботини топганлиги. “Зарурият” атамаси – ушбу вазиятдан чиқиш учун ташқи бошқарув таомилини қўллаш лозимлиги, “мақсадга мувофиқлик” атамаси – тўлов қобилиятни тиклаш мақсадига эришиш учун илтимос билан судга мурожаат этган шахс ва суднинг ишончи тушунилиши; 2) қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти эканлиги таҳлил этилган.

Ташқи бошқарув таомилининг мақсадлари (қарздор – ҳуқуқ субъекти бўлган юридик шахснинг тўлов қобилиятини тиклаш) ва корхонани сотиш вазифалари (корхонанинг иш қобилиятини мулк комплекси сифатида қайта тиклаш) ўртасида қарама-қаршилик мавжудлиги, натижада, ташқи бошқарув суд таомилининг натижаси сифатида, қайта тиклаш таомилининг мақсадларидан сезиларли фарқ қилувчи – кредиторларнинг талабларини қондириш мақсади юзага келиши асослаб берилган.

Диссертант корхонани сотиш каби бундай чоралар тугатишга доир иш юритиш таомили жараёнида қўлланилиши кераклиги, чунки бу кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондиришга қаратилгани, қарздорнинг мол-мулкни тугатишга доир иш юритиш таомилида сотиш 2003 йилги “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 135-моддасида назарда тутилгани, унда корхонани сотиш тартиби Қонуннинг 110-моддасига ҳавола қилингани, мазкур вазиятда, қонунчилик тугатишга доир иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмагани сабабли қарздор корхонасини (бизнесини) сотишга оид норма банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш таомилини амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи VII бобга киритиш керак, деган таклифлар асослантириб берилган.

Диссертациянинг **“Якка тартибдаги тадбиркор ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс банкротлигининг ҳуқуқий оқибатлари”** деб номланган учинчи бобида, якка тартибдаги тадбиркор ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлигини аҳамияти, тартибга солиниши, тугатишга оид назарий ва амалий масалалар, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлиги банкротлигининг ҳуқуқий муаммолари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Якка тартибдаги тадбиркор ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги учун зарурий асос бу уларга тўлов қобилиятини тиклаш таомилларини қўллашнинг зарурати йўқлиги ҳисобланиши, шунинг учун кузатув таомилини қўлланилмаслиги, бироқ, ушбу қоида учун истисно – якка тартибдаги тадбиркор ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг мулки бўлган ҳолати эканлиги, корхона ёки бизнес ёки мулк комплекс замонавий цивилистика томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қаратилган мулк

хукуки ва мажбурийлари сифатида куриб чиқилиши, агар қарздорнинг – жисмоний шахснинг (тадбиркор ёки тадбиркор бўлмаган) мол-мулкига ва мулкий қимликкага эга бўлса, юридик шахс банкрот бўлганида юзага келадиган муаммоларнинг барчаси юзага келиши мумкинлиги, шунга қўра, якка тартибдаги тадбиркорга ҳам якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга ҳам қўлатув таомилини, шунингдек тўлов қобилиятини тикланга оид бошқа таомилларни қўллаш лозимлиги асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги 668-I-сон “Банкротлик тўғрисида”ги Қонундан фарқи равишда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги 474-II-сон “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда қарздор ўзини банкрот деб эълон қилишининг асослари ва тартиби чиқариб ташланган ва қарздор фақат суд томонидан банкрот деб эълитроф этилиши белгилангани, амалиётда тушунмовчиликларни келтириб чиқармаслик учун, диссертант томонидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 26-моддаси бешинчи қисмидаги “ёки якка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилишининг” деган сўзлар чиқариб ташланиши лозим, - деган таклифни ифода этиб берган.

Муаллиф қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлигида юзага келадиган талабнинг учта тоифасини ажратган ҳолда кўрсатиб берган (талаб ҳолати бўйича банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш хукукига эгалик мезони бўйича):

– *шахсий талаблар*. Ушбу талаблар улар банкротлик пайтида билдирилган ёки билдирилмаганидан қатъи назар навбатдан ташқари ундирилиши лозим, агар банкротликка оид жараёнда ундирилмаган бўлса, ушбу талаблар ўз кучида қолади ва қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги таомили тамомланганидан кейин тегишинча тўла ҳажмда ёки қаноатлантирилмаган қисми ҳажмида тақдим этилиши мумкин. Бундай талабларга: кредиторларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблари, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар ва бошқа шахсий талаблар киради;

